

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент архитектура-қурилиш  
институтининг ректори

\_\_\_\_\_ Эржан Каҳя

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2021й.

**08.00.13 - “Менежмент”**

иختисослиги бўйича (PhD) таянч докторантурага

кириш имтиҳонлари

**ДАСТУРИ**

**Тошкент – 2021**

Дастур Тошкент архитектура-қурилиш институти Кенгашида кўриб чиқилган ва 2021 йил 28 октябрдаги 1–сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

**Дастурни тузувчилар:** и.ф.н., проф. Давлетов И.Х.

и.ф.н., доц. Назиров А.Х.

Ушбу дастур “Қурилишда менежмент” кафедрасининг 2021 йил 5 октябрдаги 4-сон мажлисида кўриб чиқилган.

“Қурилишда менежмент”  
кафедраси мудири

Давлетов И.Х

## КИРИШ

Мамлакатимизда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида” ги ЎРҚ-637-сонли қонун ва “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5544-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5763-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли ва 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6119 – сонли фармонларига асосан мутахассисларининг касбий маҳоратини кўтариш ва малакали қурилиш соҳасида менежер кадрларни халқаро андозалар даражасида тайёрлашни тақозо этади.

Шу боисдан, ҳозирги глобаллашув даврида иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида менежментнинг халқаро андозаларини қўллаш, хусусан қурилиш соҳасида замонавий менежмент усуллари ва тамойилларидан фойдаланиш, шунингдек менежмент соҳаларида долзарб йўналишларда илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш, самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ва бошқа шу кабилар ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бўлиб ҳисобланади.

Ушбу дастурда келтирилган мавзу ва саволлар республикада демократик ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусан қурилиш соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар боис бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши, соҳада назарий ва амалий қарашларнинг ҳозирги ҳолати ва уларни илғор хорижий давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштирилиши ва бошқа шу кабилар амалиётидан келиб чиқади. Дастурда қўйилган саволлар 08.00.13 - “Менежмент” ихтисослиги бўйича(PhD) фалсафа докторлигига даъвогарларнинг шу соҳадаги умумий билим даражасини аниқлаш билан чекланмасдан, балки шу соҳанинг долзарб муаммолари ва уларни ечимларини топишга билим ва кўникмага ҳамда илмий жиҳатдан ёндашувини намойиш эта олиш талаб қилади. Мазкур масалалар бўйича назарий муаммолар фалсафа доктори(PhD)га даъвогарларнинг шахсий қарашлари шаклланишини юзага чиқаришга қаратилган.

Ушбу дастур 08.00.13 –“Менежмент” ихтисослиги бўйича (PhD) фалсафа доктори илмий даражасига талабгор докторант ва мустақил изланувчилари учун мўлжалланган.

### Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-4958-сон фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

ги 304-сон қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида” ги Низом талабларини бажариш мақсадида тузилди.

Кириш имтихонида талабгорнинг кўйидаги жиҳатлари баҳоланади: назарий ва касбий тайёргарлиги даражаси, унинг менежментнинг тармоқ ва соҳалар, хусусан қурилиш тармоғи менежменти бўйича фаннинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, умумий концепциялари ва методология масалалари, манбалари, шу билимлар тармоғининг асосий назарий ва амалий муаммоларини қай даражада билишини аниқлаб бериши, унинг соҳага оид илмий адабиётларни, жумладан хорижий даврий нашрларни ҳамда илмий тадқиқотларнинг замонавий усулларини қай даражада эгаллаганлиги.

Талабгор тегишли фан соҳаси ривожининг ҳозирги аҳволи, муаммолари ва истиқболларини, унда ўтказётган тадқиқотнинг ўрни, янгилиги ва аҳамиятини билишини кўрсатиб беришини назарда тутди.

Ушбу дастур, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида менежментнинг халқаро андозаларини қўллаш, жумладан қурилиш соҳасида замонавий менежмент усуллари ва тамойилларидан фойдаланиш, менежмент соҳаларининг долзарб йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлаш борасида илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Шу боисдан, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари, шунингдек қурилишда менежер мутахассислардан, уларнинг юқори даражадаги билим ва касбий малакаларга эга бўлишлиги, самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ илғор хорижий усулларни пухта ўрганишлари, бу борада, айниқса, инновацион менежмент, қурилишда менежмент, стратегик менежмент ва бошқа фанлардан замонавий мақсадларда фойдаланиш усулларини пухта билишларини талаб этилади.

Дастурнинг мақсади - кадрларга замонавий талабларни кўзда тутиб, таянч докторантурага кирувчиларнинг менежмент асослари, ишлаб чиқариш менежменти, стратегик менежмент, инновацион менежмент, қурилишда менежмент ва бошқа шу каби курслар бўйича билимларини объектив баҳолашдан иборат.

### **08.00.13 - “Менежмент”**

#### **ихтисослиги бўйича саволлар**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва қурилиш соҳасида эришилган дастлабки натижалар тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида Лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5120-сон фармони мазмун-моҳияти.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5392-сон фармонининг мазмун-моҳияти.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланган мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифалар тўғрисида.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланган устувор йўналиш ва вазифалар тўғрисида.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4699-сон қарори мазмун-моҳияти тўғрисида.
7. Бошқарув жараёни ва бошқарув тизими турлари.
8. Бошқарув усуллари ва уларнинг мазмуни.
9. Бошқарув қарорининг моҳияти, турлари ва туркумланиши.
10. Бошқарув қарорларини тайёрлаш ва уларни қабул қилиш технологияси.
11. Бошқарувда коммуникация.
12. Бошқарув самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари ва мезонлари.
13. Маркетингни бошқариш.
14. Менежмент концепцияси ва уларнинг асосчилари.
15. Менежмент жараёни ва унинг функциялари.
16. Инвестицион-қурилиш лойиҳаларни бошқаришнинг ташкилий асослари.
17. Инсон ресурсларини бошқариш: мақсади, тамойиллар ва концепция.
18. Ишлаб чиқаришда бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш технологияси.
19. Корпоратив бошқарув: мазмуни, шаклланиши ва бошқарув технологияси.
20. Корхона ташкилий тузилмаси хусусиятларини аниқловчи омиллар.
21. Корхонада стратегик бошқарув.
22. Лидерлик асослари ва концепцияси.
23. Лойиҳаларни бошқаришнинг базавий моҳияти ва концепцияси.
24. Лойиҳа таҳлили моҳияти ва унинг хусусиятлари.
25. Лойиҳаларни бошқариш: Ўзбекистон амалиёти ва хориж тажрибаси.
26. Менежмент пирамидаси: қуйи, ўрта ва юқори даражада бошқарув.
27. Менежментнинг ташкил этиш функцияси: мазмуни, типлари ва элементлари.
28. Менежментга асосий ёндашувлар (тизимли, жараёнли, вазиятли ва маркетинг).
29. Менежментнинг халқаро даражада ривожланиши.
30. Менежмент функциялари ва уларнинг мазмун-моҳияти.
31. Менежментнинг тамойиллари ва уларнинг мазмун-моҳияти.
32. Менежментда мотивлаштириш.
33. Меъёр ва стандартлар: ISO стандартлар тармоғи.
34. Низоли вазиятларни бошқариш.
35. Режалаштириш менежмент функцияси сифатида: мақсад, вазифа ва тамойиллари.
36. Стратегик бошқарувнинг мазмун-моҳияти.
37. Стратегик бошқарув жараёни: корхонанинг ички ва ташқи муҳитлари таҳлили.
38. SWOT-таҳлил: корхона стратегиясини ишлаб чиқиш.
39. Таваккалчилик(риск)ни бошқариш усуллари.
40. Қурилишда бошқарув қарорларини асослаш ва қабул қилиш усуллари.
41. Қурилишда бошқарув самараси ва самарадорлиги.
42. Қурилишда бошқарув самарадорлигини ошириш муаммолари.
43. Қурилишни бошқаришда ахборот-коммуникацион технологиялар ва улардан фойдаланиш самарадорлиги.
44. Қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш.
45. Қурилишда ишлаб чиқариш ва уни бошқаришга тизимли ёндашув.
46. Қурилишда инвестицион лойиҳаларни бошқариш: шакллари ва босқичлари.

47. Ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитлари таҳлили.
48. Қурилишда логистика асослари.
49. Қурилишда маркетингни ташкил этиш ва бошқариш.
50. Қурилиш корхоналарида маркетинг тадқиқотлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
51. Қурилишда моддий-техника таъминотни ташкил этиш ва бошқариш.
52. Қурилишни бошқариш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ва унинг самарадорлиги.
53. Қурилишда сифат менежменти моҳияти ва унинг хусусиятлари.
54. Қурилишни тайёрлаш ишлари: календарь ва тўрсимон режалаштириш.
55. Ҳозирги даврда қурилишда танлов (тендер) савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари.
56. Қурилиш ташкилотларини бошқариш шакллари.
57. Қурилиш ташкилотларида инновацион бошқарув тизими.
58. Ўзбекистонда қурилиш соҳаси учун менежер кадрларни тайёрлаш: вазифа ва муаммолар.
59. Ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тизими.
60. Ходимларни бошқариш усуллари ва тамойиллари.

### **08.00.13 – “Менежмент” ихтисослиги**

#### **бўйича таянч докторантурага кириш синовларини баҳолаш мезонлари**

Имтиҳонлар билет бўйича ёзма ва оғзаки шаклларида ўтказилади. Билет 4 саволдан иборат бўлади. Талабгор жавоб тайёрлаш учун имтиҳон варақаларидан фойдаланади. Талабгор билет бўйича саволларга имтиҳон комиссияси аъзолари олдида жавоб беради. Имтиҳон комиссияси аъзолари талабгорга имтиҳон қабул қилинаётган фан бўйича қўшимча саволлар беришга ҳақлидирлар. Имтиҳон натижалари бўйича комиссия аъзоларининг ҳар бири ўз баҳосини комиссия раисига маълум қилади. Комиссия раиси умумий баҳони ўрта арифметик равишда чиқаради.

Талабгорнинг билим даражаси 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади. Бунда баҳолаш "аъло" (86–100), "яхши" (71–85), "қониқарли" (55–70), "қониқарсиз" (0–54) кўринишида бўлади. Ихтисослик фани бўйича кириш имтиҳонини топшираётганда талабгор дастур доирасида мустаҳкам, чуқур билимларини намойиш этган тақдирдагина ижобий баҳо кўйилади. Ҳар бир саволнинг баҳоси максимал 25 балл билан баҳоланади.

#### **Ёзма иш жавобларни баҳолаш қўйидаги мезон талаблари асосида амалга оширилади:**

<b>Ёзма иш жавобларига қўйиладиган талаблар</b>	<b>Баҳолаш баллари</b>
<b>Ҳар бир саволга жавобни баҳолаш мезони – максимум 25 баллгача</b>	
а) берилган саволни тўлиқ билса, унинг моҳиятини тушунса, у бўйича ижодий фикрлай олса, тасаввурга эга бўлса, мустақил мушоҳада юрита олса, назарий масаларни амалиёт билан боғлай олса, саволнинг назарий ва амалий жиҳатларини тўлиқ очиб бера олса, хулоса ва қарор қабул қилса, ўз фикрини тўлиқ, раван баён қила олса	86-100

б) берилган саволларни етарли даражада билса, унинг моҳиятини тушунса, савол юзасидан тасаввурга эга бўлса, мустақил мушоҳада юрита олса, назарий масалаларни амалиёт билан боғлай олса, саволнинг назарий ва амалий жиҳатларини етарлича очиб бера олса, ўз фикрини етарлича, раво баён қила олса	71-85
в) берилган саволни қисман билса, у тўғрисида тасаввурга эга бўлса, унинг моҳиятини тушунса, савол бўйича ўз фикрини баён қила олса	55-70
г) берилган саволни яхши билмаса, у тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаса, ўз фикрини тўлиқ баён қила олмаса	0-54

**Ўзма иш саволларини баҳолаш мезонлари:**

<b>Ҳар бир алоҳида олинган саволга берилган жавобнинг баҳоланиши</b>	<b>Баҳолаш мезонининг мазмуни</b>
22-25 балл	Саволга берилган жавоб аниқ ва тўғри. Ҳар бир фикр мисоллар, мустақил кузатишлар билан исботланган. Ижодий қобилияти, шунингдек илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаши, тизимли мустақил таҳлил қилиши, мустақил хулосалар қабул қила олиши.
18-21 балл	Саволга тўғри жавоб берилган, мисоллар келтирилган, лекин мустақил фикр юритилмаган. Ижодий қобилияти, шунингдек илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаши, лекин уларни таҳлил қила олмаслиги.
15-17 балл	Саволга жавоб тўлиқ берилмаган, мисоллар келтиришга ҳаракат қилинган, савол юзасидан мустақил фикр юритилмаган. Ихтисослик бўйича асосий тушунчалар ўрта даражада.
13-15 балл	Саволга жавоб беришда хатоликларга йўл қўйилган. Ўқув материали етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги учун мисоллар келтира олмаган ёки нотўғри мисоллар келтирган.
0 балл	Саволга жавоб умумман бера олмаган.

## АДАБИЁТЛАР ВА АХБОРОТ МАНБААЛАРИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.- 46 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5120-сон фармони.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 30-сон, 722-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5392-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2018 й., 06/18/5392/0982-сон; 23.05.2018 й., 06/18/5445/1245-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 майдаги “Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5445-сон фармони.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.05.2018й., 06/18/5445/1245-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5763-сонли,
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6119 – сонли фармонларига
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 февралдаги “Иқтисодиёт базавий тармоқларидаги лойиҳа ишларини ҳамда муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3557-сон қарори.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.02.2018й., 07/18/3557/0803-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-3646-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2018 й., 07/18/3646/0981-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3698-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.05.2018 й., 07/18/3698/1178-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президети Ш.Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.<http://uza.uz/oz/documents/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat>



mirziyoevning-oliy-22-12-2017.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018й. <https://kun.uz/99444746>

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020й. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

16. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. 2017 йил 14 январь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

17. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

18. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамыз. Ш.Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2016.12.15.

## II. Ўқув-услубий ва илмий адабиётлар

19. Бузырёв В.В., Федосеев И.В. Менеджмент в строительстве: учебник. – М.: КНОРУС, 2019.- 320 с.

20. Буянский С.Г., Трунцевский Ю.В. Корпоративное управление, комплаенс и риск-менеджмент: учебное пособие . – М.: РУСАЙНС, 2018.- 344 с.

21. Давлетов И.Х. Маркетинг и организация тендерных торгов в строительстве: Учебник. – Ташкент, 2018. - 235 с.

22. Davletov I.X. Qurilish iqtisodiyoti. O'quv qo'llanma. –Т.: ТАQI, 2019. -196 b.

23. Davletov I.X. Qurilishda marketing. O'quv qo'llanma. –Т.: ТАQI, 2019. -176 b.

24. Зайнутдинов Ш.Н. Менеджмент [учебник] / Ш.Н.Зайнутдинов; МВ и ССО РУз-Т.: «Чулпан», 2011 .- 320 с.

25. Зайнутдинов Ш.Н. «Менежмент асослари» - Тошкент, 2014.

26. Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. Менежмент назарияси. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013.- 433б.

27. Yodgorov V.U., Butunov D.Ya., Hayitov E.B. Qurilishda tanlov savdolari va ularni tashkil etish. O'quv qo'llanma. – Toshkent: TAQI, 2012.- 122 b.

28. Ишмухамедов А.Е., Хайдаров М.Т., Мухамеджанова Г.Я. Лойиха бошқаруви. Ўқув қўлланма.- Т.: ТДИУ, 2005.

29. Isamuxamedova Sh.A., Davletov I.X.va boshq. Qurilish iqtisodiyoti: O'quv qo'llanma, 1-qism.- Т.: ТАQI, 2012.- 142 b.

30. Inoyatova D.Sh. Qurilishda menejment. Darslik.-Т.:ТАQI,2018.-220 b.

31. Лахметкина Н.И. Инвестиционная стратегия предприятия: учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2017.- 232 с.

32. Маманазаров О.Ш. Менежмент. Дарслик. –Т.: ТАҚИ, 2020.- 332 б.
33. Маманазаров О.Ш. Qurilishda marketing va tanlov savdolarini tashkil etish. Darslik. – Т.: TAQI, 2019.- 208 б.
34. Масляников В.В., Ляндю Ю.В., Калинина И.А. Менежмент: учебник. – М.: КНОРУС, 2019. -422 с.
35. Менежмент в строительстве / Учебник под редакцией И.С.Степанова 3-е издание.- Москва: Ютрайт, 2007. – 620 с.
36. Мирахмедов М., Бозорбоев Н., Помирзаев Э. Курилиш мажмуасини ташкил этиш ва менежмент. –Тошкент: ТАҚИ, 2012. – 252 б.
37. Muxammadiev U.A., Djabriev A.N., Buriyev X.T., Yuzboeva M.Z. Menejment: o'quv qo'llanma. – Т.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2019. – 283 б.
38. Muxammadiev U.A., Buriyev X.T., Yuzboeva M.Z. Menejment – savol va javoblarda: o'quv qo'llanma. – Т.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2019.
39. Nurimbetov R.I. Loyihalar tahlili va ularni boshqarish. O'quv qo'llanma. - Т.: TAQI, 2012.-164 bet.
40. Nurimbetov R.I. Korporativ boshqaruv.- (o'quv qo'llanma) – Т.: TAQI, 2012. - 156 б.
41. Rahimov Q.E. Qurilishda marketing va yagona buyurtmachi xizmatini tashkil etish. Darslik. – Т.: TAQI, 2018.- 188 б.
42. Shomirzayev E.A., Mamanazarov O.Sh., Raximov Q.E. va bosh. Qurilishda menejment. O'quv qo'llanma. 1-qism. – Т.: TAQI, 2013.- 154 б.
43. Қосимова Д. Менежмент назарияси: Дарслик - Т.: Тафаккур-Бўстони, 2011.
44. Хаирова Д.Р. Управление проектами. Учебное пособие. –Т.: ТАСИ, 2019.-168 с.
45. Шарифходжаев М. Менежмент. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2002.- 464 б.

### **III. Ахборот манбаалари**

46. [www.gov.uz](http://www.gov.uz). - Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти;
47. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) - Ахборот таълим тармоғи;
48. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси;
49. [www.minstroy.uz](http://www.minstroy.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги;
50. [www.mf.uz](http://www.mf.uz). - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги;
51. [www.economist.com](http://www.economist.com)
52. [www.worlddeconomics.com](http://www.worlddeconomics.com)
53. [www.tradingeconomics.com](http://www.tradingeconomics.com)
54. [www.ereport.ru](http://www.ereport.ru) - Обзорная информация по мировой экономике;
55. [www.stplan.ru](http://www.stplan.ru) - Экономика и управление;
56. [www.catback.ru](http://www.catback.ru) - Научные статьи и учебные материалы по экономике.



